



“Тасдиқлайман”
Бектемир тумани мактабгача
таълим бўлими мудири в.в.б
А.А.Аджумерова

Бектемир тумани МТБ томонидан қўйилган эълон бўйича танлов ҳужжатлари

Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот

Бектемир тумани МТБ тасрруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари 2022 йил учун амалга оширилиш кўзда тутилган электр жиҳозларини профилактик синовдан ўтказиш ишларини амалга ошириш.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларига амалга оширилиш кўзда тутилган электр жиҳозларини профилактик синовдан ўтказиш ишлари учун йил бошида ажратилган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Муассасада амалга оширилиш кўзда тутилган электр жиҳозларини профилактик синовдан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун нуқсонли далолатнома илова қилинган, ушбу нуқсонли далолатнома асосида муассасаларни электр жиҳозларини профилактик синовдан ўтказиш ишларини амалга оширилиши шарт. Шартнома бўйича ишларни яқунлаб тўлиқ ишларни топшириш далолатномаларини буюртмачи МТБга топширади.

Бектемир тумани МТБ томонидан давлат мактабгача таълим ташкилотларининг электр жиҳозларини профилактик синовдан ўтказиш учун 101 000 000 сўм маблағ ажратилган. Хизматнинг умумий нархи 100 498 407 сўм бўлиб ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда амалга оширилади шунингдек, тўлов ва кафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 5 иш кунда 30% олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган 70% пул маблағлари иш яқунлангандан сўнг 10 банк иш кунда тўлиқ ўтказиб берилади.

Танлов бўйи ча таклифлар қабул қилишнинг бошланиши ва тугаши элонда кўрсатилган вақт ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш учун таклифлар ЎЗБЕК тилида бўлиши шарт.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини тушунтириш талаби билан ёзма ва оғзаки сўров бериши мумкин. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга тегишли жавоб юборади.

Хизматнинг муқобил вариантларига йўл қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун таклифларни

Танлов etender.uzex.uz орқали эълон муддати тугаган кундан бошлаб учинчи иш кунидан кейинги кун (шанба, якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади) соат 15:00да ўтказилади.

Иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

Иштирокчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

2. Муайян давлат харидлари тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ва тушунтиришлар олиш;
3. Харид қилиш тартиб-таомиллари бузилган тақдирда давлат харидлари натижалари устидан белгиланган тартибда 2 кун ичида шикоят қилиш;
4. Давлат харидлари тартиб-таомилларида кўрсатилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ таклифларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни қайтариб олиши мумкин.

Иштирокчи қўйидаги мажбуриятларни олади:

1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;
2. Давлат харидлари тўғрисидаги ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни etender.uzex.uz орқали тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;
3. Ҳолиб деб топилган тақдирда давлат буюртмачиси билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.
4. Иштирокчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш шартлари

Давлат буюртмачиси ёки махсус ахборот портали оператори қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг бажарилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатлашувда адолатсиз устунликка эга бўлса ёки қонун ҳужжатларини бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

Харид комиссияси

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари ҳолибини танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ҳолибни (ҳолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

1. Танлов иштирокчиларининг баҳолаш мезони

Мазкур мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Низом (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 23.04.2021й., 03/21/684/0367-сон*)га асосан ишлаб чиқилган.

Баҳолаш мезони Бектемир тумани МТБ томонидан Танловга қўйилган хизматни бажариш мақсадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вақтида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб тамоилини амалга оширишнинг тури тушинилади.

Иштирокчилар куйидаги хужжатларни электрон платформа оркали тақдим этишлари лозим. (Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, мухр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.)

1. Охирги бюджет ташкилотларида ишлаган объект буюртмачиларидан тавсиянома.
2. ЎРҚ 684-47 бандига асосан инсофсиз руйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома (эълонга куйилган давр учун)
3. Бюртмачи билан объектни олдиндан куздан кечириш далолатномаси
4. Давлат солиқ кўмитасидан 2019-2020-2021 йиллар учун молиявий натижа ва баланс нусхасидан кўчирма
5. Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва асбоб ускуналар мавжудлиги, уларнинг сони тўғрисидаги маълумот
6. Корхонанинг гувоҳномаси банк ва солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (эълонга куйилган давр учун).
7. Доимий равишда ишловчи ходимлар 5 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги my.mehnat.uz дастурига киритилганлигидан нусха.
8. Танловдаги объектга ўхшаш бюджет объектларидаги шартномалар ва рўйхати, охирги 3 йиллик иш тажрибаси.
9. Коррупцион ҳолатларга йўл қуйилмаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси
10. Бажариладиган ишлар муддати, сифатига кафолат фаолият тўғрисидаги 1-2 шакллар маълумоти, ҳисоб рақамдаги маблагнинг мавжудлиги.
11. Иш тажрибаси 3 йил бўлиши лозим, ишни уз вақтида бажариб бериши учун кафолат хати
12. Электр жихозларини профилактик синовдан ўтказиш учун рухсатнома.
13. Корхона электр хўжалиги бўйича маъсул ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича техник ўқишни тугатганлик бўйича маълумотнома.

Тақдим этилиши лозим бўлган хужжатларнинг 1;2;3;4,5,6,7;8,9,10;11;12-рақамдаги талаблардан бири тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга рухсат берилмайди.

Кейинги босқичга рухсат этилган номзодларнинг тақдим этилган хужжатлари куйидаги тартибда боҳоланади.

Танлов иштирокчиларини ҳозир булган ваколатли вакиллари ўзларининг иштирок ҳақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини куйишлари керак.

Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди.

Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниқлаш ёпик йиғилишларда амалга оширилади. Танлов таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тақдим этилган таклифлар очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик танлов ташкилотчиси зиммасида бўлади.

Таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари тақдим этилган кундан этборан узоғи билан 3 кунни ташкил этади.

Танлов комиссияси таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини баҳолаш амалга оширади.

Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йиғма жилдни очишга рухсат олган танлов иштирокчилари элон қилинади. Танлов комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлвр тенг бўлганда комиссия раисининг овози хал қилувчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларидан таклифдаги ахамиятсиз фарқларни этиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиш мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультатлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. (Экспертлар жалб этилганда ҳулоса бир ой муддатда ҳулоса эълон қилинади) Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари танлов комиссияси аъзолари каби танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлов ҳужжатлари талабларига риоя этиш маъсулятини ўз зиммаларига оладилар

Ушбу талабнома Бектемир тумани МТБ маъсул ходимлари, МТБ мудир, иқтисодчи, бош ҳисобчиси, бош ҳисобчи ўринбосари, давлат харидлари бўйича мутахассис, хўжалик ишлар бўйича мудир ўринбосари, томонидан тузиб чиқилди.

Бош ҳисобчи



Р.Шамурадова

Бош ҳисобчи ўринбосари



Г.Холиқова

МТБ давлат харидлари бўйича мутахассис:




Р.Нуритдинова

Иқтисодчи



С.Мардонов

Хўжалик мудир



Д.Мадаминова